

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Электрат олдидаги масъулият

хотиржам бўлишга, ижтимоий-иқтисодий масалаларда сукут сақлашга йўл қўймаслиги керак



Семинарда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини таҳлил этиб бориш, юзага келадиган масалаларни чуқур ўрганиш, айни пайтда, уларнинг ечими бўйича аниқ тақлифлар билан чиқиш зарурлиги таъкидланди. Электрат манфаатини ҳимоя қилишда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг бугунги иштироки таҳлил этилиб, уларнинг фаолиятини янада кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Партиямиз қанчалик самарали фаолият юритаётгани аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳаёт даражасини юксалтиришга, ҳудудларда ижтимоий ислохотлар самарасини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанadi, — деди **партия Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов**. — Масалан, Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш янада кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

лик гуруҳлари бу борада фақат депутатлик ва жамоачилик назоратини ўрнатиш билангина чекланмаслиги керак. Улар партия электратоти учун қўшимча янги иш жойларини ташкил этиш бўйича амалий чоралар кўриши, янги ташаббуслар билан чиқиши, янада қатъият кўрсатиши талаб этилади.

Семинарда ижтимоий ёрдамга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг тўри тақсимланиши устидан депутатлик назоратини кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, комму-

нал хизмат соҳасидаги муаммолар ечими бўйича зиммаида турган вазифалар юзасидан фикрлашиб олинди. Ҳар бир депутатга ўз сайлов округи бўйича аниқ вазифалар берилди.

— Ўтган йили партиямиз ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари томонидан ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш билан боғлиқ муайян ишлар олиб борилди, — деди **ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Саида Жўраева**. — Туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари сессиялар муҳокамасига электратот манфаатлари ҳимоясига қаратилган қатор масалаларни киритди. Натижада иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари атрофлича таҳлил этилиб, мавжуд камчиликларни ҳар томонлама бартараф қилишга қаратилган қарорлар қабул қилинди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида депутатлик гуруҳларимиз ташаббуси билан 3 та масала сессия муҳокамасига, 2 та масала доимий комиссиялар йиғилишлари кун тартибига киритилди.

Шунингдек, семинар қатнашчилари партия тизимида фаолият кўрсатаётган кадрлар салоҳиятини ошириш масаласига ҳам эъти-

бор қаратишди. Таъкидландики, партия ташкилотларини салоҳиятли, ташаббускор кадрлар билан тўлдириш олдимида турган асосий вазифалардан биридир. Сабаби, депутатлар ташаббускорлигини ошириш, уларни турли масалаларни кўтариб чиқишга ундаш, зарур услубий материаллар билан таъминлаш партия кенгашлари зиммасида. Кадрлар қанча салоҳиятли бўлса, партия кенгашларининг ҳам, депутатлик гуруҳларининг фаолияти ҳам шунга яраша самарали бўлади.

— Салоҳиятли кадрлар мақсад ва интилишларимизга эришишнинг муҳим омили, — дейди **Бухоро вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Баҳриддин Муҳиддинов**. — Партия ташкилотларида фаолият юритаётган кадрлар ташаббускор бўлса, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этса, партиямизнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш шунча тезлашади. Шунинг учун бошлангич ташкилотлар етакчилари, улар атрофида бирлашган аъзоларимиз билан кўпроқ ишлаш, улар иштирокида ўтказиладиган сиёсий ўқувлар таъсирчанлигини ошириш лозим. Жамоатчилик ишларида ўзини кўрсатаётган хайрихоҳлар орасидан иқтидорли ёшларни танлаб, кадрлар захирасини мустаҳкамлаш зарур. Сафимизни сиёсий-ҳуқуқий билими юксак, салоҳиятли кадрлар билан қўпайтирсак, фаолиятимиз самараси ошади.

Шунингдек, семинарда айрим туман Кенгашларида депутатларимизнинг иши қониқарли даражада эмаслиги, жойларда партия тизимида учраётган камчиликлар юзасидан танқидий мулоҳазалар ўртага ташланди. Муаммоларни бартараф этиш, депутатлар фаоллигини ошириш, партия ташкилотларининг ишини қучайтириш билан боғлиқ тавсиялар берилди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бошлангич ташкилот — асосий таянч!

ФАОЛ АЪЗОЛАР БИЛАН

тадбирлар самарали ва таъсирчан ўтади

➤ Иш вақти тугади. Аммо Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари уйларида эмас, «Фарғона Азот» ОАЖнинг маданият саройига шошилди. Чунки бугун ЎзХДП бошлангич ташкилоти «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон» мавзусида амалий семинар ташкил этган. Шу муносабат билан бу ерга қўллаб ёшлар, фаоллар, меҳнат фохрийлари келди.

— Коллежни битириб, шу корхонада иш бошладим, — дейди электромонтажчи Шерали Мўйдинов. — Иш жараёнида билмаганимни ўрганиб, касб маҳоратимни ошириб боришга ҳаракат қиламан. Шу ерда ишлаб, ЎзХДПга аъзо бўлдим. Келажакда олий ўқув юртига ўқишга кириб, сиёсий-ҳуқуқий билимимни янада ошириш ниятидаман.

Бошлангич партия ташкилоти етакчиси Ҳурмат Йўлдошевнинг амалий ишлари туфайли қўйи ташкилот сафи тобора кенгайиб бормоқда. 2010 йилда бу ерда партия аъзоси 210 нафар эди, ҳозир улар 572 нафарга етди. БПТ корхона жамоаси ўртасида сиёсий ўқув, семинар, турли мавзудаги кўрик-танлов ҳамда байрам тадбирлари ташкилотчиси. Хусусан, «Ёш мутахассислар — корхона таянчи», «Биз — ёш сиёсатчилар» мавзуларидаги баҳс-мунозаралар ёшларни партия ташкилоти атрофида янада жипслаштирмоқда. Бундан руҳланган бошлангич партия ташкилоти аъзолари сиёсий-ҳуқуқий, маърифий ўқувларни ҳам мунозара, эркин фикр алмашиш услубида ўтказмоқда.

Мунтазам равишда «Кучли ижтимоий сиёсат — Халқ демократик партияси сиёсий мафкурасининг пойдевори», «Партия дастурида обод турмуш тарзи ва оилалар фаровонлигини таъминлаш масалалари», «Маънавият — инсоннинг ўлғайиш ва куч-қудрат манбаи», «ЎзХДП электратотининг манфаатларини

ўрганишнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш», «Хуқуқий билимни кенгайтиришда партия фаолияти самарадорлигини ошириш» каби мавзуларда семинарлар ташкил этиб келинади. Уларда партия фаоллари, депутатлар, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунослар иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Тадбирларнинг жонли ўтишида, айниқса, бу ердаги хотин-қизлар қўмитаси, касба уюшмаси, «Камолот» ЁИХнинг бошлангич ташкилотлари билан ҳамкорлик қўл келмоқда. Бундан ташқари, бошлангич партия ташкилоти ЎзХДП Фарғона шаҳар кенгаши, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи билан қақамти иш олиб боради. Депутатлар ўтган сессияларда кўриб чиқилган масалалар, миллий қонунчилигимизга киритилаётган ўзгаришлар мазмун-моҳиятини партия аъзолари, электратот вакилларига мунтазам етказиб боради.

— Сиёсий партиянинг ҳақиқий кучи унинг бошлангич ташкилотларида, — дейди Ҳурмат Йўлдошев. — Шунинг учун асосий эътиборни партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, партия гоё ва мафкурасини кенг тарғиб этиш, юртимизда кечаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантиришга қаратаймиз. Бугунги тадбир ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

Партиялараро рақобат

давлат ва жамият тараққиёти

юксалишининг муҳим омили

2002 йил 4 апрелдаги «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонун асосида профессионал тарзда фаолият юртувчи Қонунчилик палатаси ва ҳудудлар манфаатларини ифодаловчи Сенатдан таркиб топган икки палатали парламент ташкил этилди. Шу орқали демократик ислохотларни изчиллик билан амалга оширишда сифатли қонунлар қабул қилиш имконияти кенгайди, қонун ижодкорлиги ва уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича барқарор механизм шаклланди.

Парламент ҳокимиятининг амалий ролини қучайтиришда кўппартиявийлик тизимининг ривожланишига, сиёсий партиялар фаоллигининг кескин ошишига, улар ўртасида рақобат асосидаги кураш қучайишига шароит яратиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир сиёсий партия ўз электратоти манфаатига мос равишда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳада дастурлар ишлаб чиқиб, парламентдаги фракциялари орқали қонунчиликда ақс эттиришга, халқ ишончини қозониб, давлат ва жамият ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллаб боришга интилади. Ривожланган ҳориқий мамлакатлар тажрибасига назар солсак, ўз дастурий гоёлари билан халққа манзур бўлган сиёсий партиянинг илгари сурган гоё ва мақсадлари давлат сиёсатини амалга оширишда устуворлик қилишини кузатиш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам ижтимоий ҳаётда партиялараро баҳс, парламентда фракциялараро рақобат вужудга келади. Бу — давлат ва жамият ривожини ҳаракатда келтирувчи муҳим омили ҳисобланади. Сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида аҳолининг ижтимоий онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданияти ўсиб боришига эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларидаги мамлакатимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлари, мафкуралар ва фикрлар жиамиллиги асосида ривожланиши белгилаб қўйилган, сиёсий партияларнинг кенг қўламада ижтимоий-сиёсий фаолият юртиши кафолатланган. **Энг муҳими, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари ўртасидаги ўзаро мутаносиблик ҳамда манфаатлар мувозанатини таъминлаш**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

да сиёсий партиялар иштирокининг қонуний асослари мустаҳкамланди. Хусусан, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини қучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун орқали сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти тизимидаги нуфузи янги босқичга кўтарилди.

Қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда **фракциялараро рақобат институти ҳуқуқий тартибга солинган. Яъни, парламентдаги кўпчилик, муҳолифат тушунчалари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 25⁻ моддасида Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринини эгаллаган фракция парламентдаги кўпчилиқни ташкил этиши белгиланган. Шунингдек, ўз дастурий мақсадили вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда, блок тузатган бир неча фракциялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ўзларини «муҳолифат» деб эълон қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Айни пайтда муҳолифатнинг ҳуқуқлари қонун билан кафолатланди. Хусусан, у Қонунчилик палатасида маъсул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиши, муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Қонунчилик

палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиши, Сенат томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирокини таъминлаши мумкин.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида Конституциямизнинг 98-моддасига киритилган ўзгариш, яъни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан тақлиф этилишининг белгиланиши мамлакатда сиёсий партияларнинг олий давлат ҳокимият вакиллик органидаги макomini, ижро ҳокимиятини шакллантиришга таъсирини оширади. **Бу сиёсий партияларнинг дастурлари ҳам қонун ижодкорлиги жараёнида, ҳам ижро тизимида ўз аксини топишига мустаҳкам замин тайёрланди.**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун партиялараро, хусусан, фракциялараро рақобатнинг ҳуқуқий механизмларини янада ривожлантирди. Унга кўра, қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасида кўриб чиқишнинг барча босқичларида сиёсий партиялар фракциялари иштирокининг процессуал механизми мустаҳкамланди. Эндиликда қонун лойиҳаси бўйича маъсул қўмита фракцияларнинг қонун лойиҳасига доир фикрлари ва тақлифларисиз қонун лойиҳаси юзасидан ўз хулосасини чиқариш ҳуқуқига эга эмас. Сиёсий партия-

лар фракцияларининг қонун лойиҳасига доир фикрлари ва тақлифлари инобатга олинади, шунингдек, Қонунчилик палатаси мажлисларида лойиҳаларни кўриб чиқиш жараёнида маърузачи барча ўқишларда фракцияларнинг фикрлари ва тақлифларини депутатларга етказди. Мазкур меъёрларнинг белгиланиши қонун ижодкорлиги жараёнида фракциялар ўртасида рақобат муҳитининг амалда қучайишига хизмат қилади.

Партиялар ўртасидаги сайловолди кураши парламентнинг қундалиқ фаолиятида ҳам давом этиши, гоё ва дастурлар беллашувининг доимий тус олиши партиялар ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларига эришишини таъминлашга хизмат қилади. Шунинг билан бирга сиёсий партиялар мамлакатда амалга оширилаётган, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар жараёнининг талаблари билан узвий боғлиқ бўлган, узок истиқболга мўлжалланган ўз дастурига эга бўлиши, айни пайтда, уни замон билан ҳамнафас такомиллаштириб бориши талаб этилади.

Шунингдек, дастурий мақсад ва вазифалари доирасида қонунлар ижроси самарадорлигини кузатиш, ўз электратоти муаммоларини, ҳуқуқий тартибга солиниш лозим бўлган ижтимоий муносабатларнинг доирасини ўрганиб бориш асосида сиёсий партиянинг тизимлашган гоёлар базасини тўлдириб бориши ҳаётий аҳамиятга эгадир. Бунда, албатта, электратот билан иш олиб боришнинг замонавий усуллари, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, партиялараро баҳс-мунозараларни оммавий ахборот воситалари орқали ҳам фаол олиб бориш муҳим ўрин тутди.

Мухтасар айтганда, парламент ислохотлари ҳар қайси партия ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларига гоё ва дастурлар кураши орқали эришишига қаратилган билан аҳамиятлидир. Президентимиз таъкидлаганидек, сиёсий партиялар фракциялари ўртасидаги рақобат қанча кескин ва қучли бўлса, жамиятимизнинг муайян сиёсий қучлари ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган гоёлар ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишининг кафолати ҳам шунча мустаҳкам бўлади. Бу эса қонунларнинг сифатини оширишга, инсон, жамият ва давлат манфаатларини самарали ифодалашда парламент роли ҳамда таъсирининг қучайишига хизмат қилади.

Мухтобар ҲУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти
бош илмий ходими, юридик фаоллар
номзоди.

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олдида

Хотин-қизлар фаоллигини ошириш йўлида

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини янада юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ислохотлардаги иштирокини фаоллаштириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 май кун қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш босқисидида қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёлларнинг ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий билимининг янада юксалтириш, улар учун муносиви турмуш ва меҳнат шароитларини яратиш, илгор гоё ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, турли вазирилик ва идоралар билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, таълим масканларидаги ўқитиш сифати, ўқувчиларнинг машғулотларга иштирокини доимий асосда мониторинг қилиш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга

оширилмоқда. Бу жараёнга маҳалла фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари вакиллари, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, Зуффия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университет қўшидаги академик лицейнинг иккинчи курс ўқувчиси Юлдузай Урмонова. — Тўғарак доирасидаги машғулотларда, маърифий тадбирларда мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти ўқувчиларнинг ёшига мос тарзда атрофлича, самимий ва таъсирчан тарзда тушунтирилади.

— Лицейимизда «Ораста қизлар» тўғариги фаол иш олиб боради, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университет қўшидаги академик лицейнинг иккинчи курс ўқувчиси Юлдузай Урмонова. — Тўғарак доирасидаги машғулотларда, маърифий тадбирларда мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти ўқувчиларнинг ёшига мос тарзда атрофлича, самимий ва таъсирчан тарзда тушунтирилади.

Тадбирда иқтидорли қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини қучайтириш, бунда фаолияти хотин-қизларга йўналтирилган жамоат ташкилотларининг ишини мувофиқлаштириш, сиёсий партияларнинг «Аёллар қаноти» фаолиятини қучайтириш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Руслан Нуриддинов янги рекорд ўрнатди



Қозон шаҳрида давом этаётган XXVII Бутунжаҳон универсиадада Ўзбекистон талаба-спортчилари ҳозиргача иккита олтин, еттита кумуш ва тўққизта бронза медалига сазовор бўлди.

Нуфузи жиҳатдан Олимпия ўйинларидан кейинги ўринда турувчи Бутунжаҳон универсиадада бахслари ниҳоятда шиддатли ва мурасасиз давом этмоқда. Унда ҳамюртларимиз қўлга киритаётган ғалабалар салмоғи тобора ортиб бораётгани айниқса қувонарлидир.

Мусобақа дастуридан жой олган оғир атлетика бахсларида Ўзбекистон терма жамоаси тўрт нафар спортчи билан иштирок этди. Улардан уч нафари ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олиб, юртимиз шухратига шухрат қўшди.

Беллашувларнинг дастлабки кунларида ўз вази тоифасида Улугбек Алимов (77 кг) кумуш, Манзураҳон Мамасолиева (69 кг) бронза медал билан тақдирланганди.

Оғир атлетика бўйича охир-

ги кунги бахслар вакиллари- миз учун янада муваффақият- ли кечди. Унда тажрибали спортчимиз, Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионати совриндори Руслан Нуриддинов (105 кг) штангани даст кўтаришда 190 килограмм, силтаб кўтаришда 222 килограмм, икки- кураш бўйича 412 килограмм натижа қайд этди. Бу билан у нафақат олтин медални қўлга киритди, балки оғир атлетика бўйича Бутунжаҳон универсиа- дасининг рекордини янгиллади. Охирги универсиадада иккику-

раш бўйича рекорд натижа (400 кг) россиялик спортчиға тегишли эди. Руслан Нуриддинов эса бу кўрсаткични 12 килограммга янгилашга муваффақ бўлди.

— Бутунжаҳон универсиада- сида барча терма жамоалар доимо энг кучли таркиби билан иштирок этади, — дейди Андижон давлат университети талабаси Руслан Нуриддинов. — Қозон шаҳридаги беллашувларда ҳам рақибларим дунёнинг етакчи спортчилари эди. Мураббийим Ойбек Турғунов билан мусобақаға пухта тайёргарлик кўрганим туфайли, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олдим. Қола- верса, Бутунжаҳон универсиа- даси арафасида Осиё чемпи- онатида ғолибликни қўлга киритганим ҳам мени янги ғала- ба сари руҳлантирди. Ушбу ғалабаларга, аввало, мамла- катимизда биз спортчилар учун яратилган қулай шарт- шароит катта замин яратает- ганини алоҳида таъкидлашни истардим. Олдинда эса жаҳон чемпионати кутиб турибди. Унда ҳам Президентимиз ва халқимизнинг ишончини оқлаб, фақат олтин медал учун майдонга чиқишга ҳара- кат қиламан.

Бутунжаҳон универсиада- сиға самбо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ўн бир нафар спортчи билан йўл олганди. Беллашувларнинг биринчи ку- нида самбочиларимиздан Суҳ- роб Остонаев (90 кг) учрашу- вларни муваффақиятли бошла- ди. У ярим финалгача Украи- на ва Исроил вакиллари- ни доғда қолдирди. Аммо финал йўлланиши учун кечган бел-

лашувда Суҳроб тожикистон- лик Комроншоҳ Устопириёнға очколар ҳисобида кичик фарқ билан ютказиб қўйди. Бронза медал учун ўтган бахсда ҳамюртимиз французлик Ва- лентин Жоурданни энгди ва шохсупанинг фахрли учинчи поғонасига кўтарилди.

Бугунга қадар Бутунжаҳон универсиадада дастурдан жой олган йигирма еттита спорт туридан ўн икkitаси бўйича ғолиб ва совриндор- лар номи аниқлаб бўлинган. Кеча ҳамюртларимиздан Жа- мила Раҳматова бадий гим- настика, Алексей Мочалов байдарка, Муроджон Азметов, Нурилом Тўхтасин ўғли, Ил- дар Қаюмов, Дилшод Юлда- шев, Мирзиёд Ҳожиёв каноа- да эшак эшиш, Шохиста Са- фарова (64 кг), Бехзодбек Қудратиллаев (57 кг), Истам Қудратов (74 кг), Исломожон Азимов (100 кг)лар самбо, Елмурат Тасмуродов (55 кг), Бибирбек Зайлобиддинов (66 кг)лар эса юнон-рум кураши бўйича медаллар учун май- донга чиқдилар.

Ўзбекистон спорт деле- гацияси ҳисобида ҳозирча 2 та олтин, 7 та кумуш ҳамда 9 та бронза медал бор. Спорт- чиларимиз норасмий умумжа- моа ҳисобида 162 давлат ора- сида 21-погонани, медаллар сонига кўра эса 10-ўринни эгаллаб турибди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



Замонавий мусиқа мактаби

Республикамиз Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мухтасамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида Ҳузур туманидаги мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди ва замон талаблари даражасида жиҳозланди.

Ҳозирда бу масканда қашқар рубоби, доира, ғижжак, дутор, фортепьяно, аккордеон, миллий рақс, анъанавий хонандлик, тасвирий санъат, анъанавий созандалик каби йўналишлар бўйича 170 нафардан зиёд ўқувчи санъат сирларидан сабоқ олмоқда.

Абдурасул ПАРДА олган сурат.

Футбол

Ёшлар (U-20) ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати

Туркияда бўлиб ўтган мусобақа финалида Франция — Уругвай футболчилари ўзаро куч синашди. Кўпчилик ўйин тақдир асосий тўқсон дақиқада ҳал этилишини тахмин қилаётганди. Аммо учрашувда ҳисоб очилмади. Қўшимча икки бўлимда ҳам дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди — 0:0. Натижада, пенальтилар сериясида омад француз ёшларига қулиб қолди — 4:1.

Бронза медал учун кечган бахсда Гана ёшлар терма жамоаси ироқлик тенгқурларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади — 4:0.

Чемпионат якунида Франция ёшлар терма жамоаси сардори Поль Погба жаҳон чемпионатининг «Олтин тўп»ига сазовор бўлди. Мусобақа давомида энг кўп — 6 та гол урган ганалик Эбенецер Асифуага «Олтин бутса» топширилди. Уругвай терма жамоаси дарвозабони Гильермо Де Аморес «Олтин қўлоқ» соҳиби, деб топилди. «Халол ўйин» соври- ни эса испаниялик ёшларга насиб этди.

Эслатиб ўта- миз, Туркияда ўтказилган жаҳон чемпионатида Аҳмаджон Муса- ев бош мураб- бийлигида мам- лакатимиз ёшла- ри футболимиз тарихида илк ма- ротаба дунёнинг энг кучли саккиз жамоаси сафидан жой олди.

Дилноза АБДУРАҲМОНОВА



«Микрокредитбанк»:

Кенг қамровли замонавий хизматлар энг олис ҳудудларда

Хўжайли туманида банкнинг янги филиали иш бошлади

Аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, миқоз- ларга кенг қамровли банк хизматлари кўрсатиш мам- лакатимиз молия бозорига етти йилдан буён муваф- фақиятли фаолият кўрсатиб келаётган «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки фаолиятининг бош мақса- ди ҳисобланади. Бугунги кунда молия муассасаси ўзининг 84 та филиали, 188 та мини банки ва кўплаб агентликлари орқали юртимизнинг барча ҳудудларида миқозларга хизмат сифатини ошириб, фаолият кўламини кенгайтириб бормоқ- да. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрамига қизғин ҳозир- лик кўрилаётган шу кунларда «Микрокредитбанк»нинг яна бир филиали Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманида очилгани, фикримизнинг тасдиғидир.



Оролбўйида банкнинг янги фи- лиали очилиши тадбирида Қора- қалпоғистон Республикаси Вазир- лар Кенгаши, Хўжайли туман ҳокимлиги мутасадди раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, тадбир- корлар, касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда оммавий ах- борот воситалари вакиллари иш- тирок этди. Тадбирда таъкидлан- ганидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлиқни ривожланти- риш, яқка тартибдаги меҳнат фа- олиятини, оилавий бизнес ва ка- саначиликни фаоллаштириш, ай- ниқса, олис ҳудудларда аҳоли кенг қатламларига микроолиявий хиз- матлар кўрсатиш борасида «Мик- рокредитбанк» самарали фаолият олиб бормоқда. Бунда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хиз- мат кўрсатиш учун қўшимча им- кониятларни таъминлайдиган фи- лиал ва минибанклар тизими ор- қали молиявий инфратузилма ке- найтирилишига қаратилмоқда. Чу- нончи, Қорақалпоғистон Респуб- ликасида банкнинг 5 та филиали ва 18 та минибанки фаолият кўрсатаётган эди. Хўжайли тум- нидаги минибанкнинг филиалга айлантирилиши билан улар сони яна биттага ошди.

Жорий йилда «Микрокредит- банк» томонидан иқтисодийнинг реал секторига ажратиладиган



кредитлар миқдорини 243,5 мил- лиард сўмга етказиш ва шунинг ҳисобидан 106 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган эди. 1 июль ҳолатига кўра, соҳа ривожига йўналтирилган микро- олиявий хизматлар кўлами 125,4 миллиард сўмни ташкил этди. Ху- сусан, 26,1 сўмлик имтиёзли кре- дитлар бошланғич сармоғини шак- лантириш учун йўналтирилди. Эн- г муҳими, мазкур кредитлар ҳис- оба 55 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, таъ- лим муассасалари битирувчилари- нинг иш билан бандлигини таъ-

минлашга қаратилган лойиҳалар- ни рағбатлантириш мақсадида ёш тадбиркорларга 11,9 миллиард сўм, тадбиркор аёлларга эса 27,5 миллиард сўм миқдорига микро- олиявий хизматлар кўрсатилди.

Таъкидлаш жоизки, банк томо- нидан Қорақалпоғистон Республи- касида фаолият юритаётган тад- биркорлик субъектларини қўллаб- қувватлаш мақсадлари учун жорий йилнинг ўтган ярмида 16,6 мил- лиард сўм миқдорига кредитлар ажратилди. Маъналарнинг қарийб 9 миллиард сўми имтиёзли мик- ромолиявий хизматлар ҳиссасига

тўғри келади. Натижада ҳудудда 3,5 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Шунингдек, аёл- лар тадбиркорлиги учун 1,3 мил- лиард сўм, касб-хунар коллежла- ри битирувчилари учун 460 мил- лион сўм миқдорига кредит маб- лағлари йўналтирилди.

Хўжайли туманида янги филиал- нинг очилиши аҳоли учун янада кенг имкониятлар яратади. Зеро, тадбирда таъкидланганидек, маз- кур муассаса юртимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг янада кўпайишига хизмат қилади.

Тадбир доирасида ёш тадбир- корларнинг банк кредитлари эва- зига ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди. Шу- нингдек, пухта бизнес режалари- га эга бўлган ёш тадбиркорларга «Микрокредитбанк» томонидан имтиёзли сармоғи олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топши- рилди.

Муктасар айтганда, «Микрок- редитбанк» кредитлари бунёдкорлик, тараққиёт ва аҳоли турмуш дара- жасини оширишга хизмат қилаёт- ти. Хўжайлидаги янги филиалнинг иш бошлаши — бу эзгу мақсад- лар йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.

Множатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.



Реклама ўрнида

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farruh HAMROYEV

(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;

Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;

Iqtisodiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;

Sport va vatandorlik — 233-44-55;

Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi. Korxonada muntazil: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746

10622

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21.05

Topshirilgan vaqt — 21.45

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

772030763006

1 2 3 5